

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 5/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i> ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужаниязов Уктам Ешбаевич</i> “ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i> ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i> TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i> O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i> SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY NIHOYA TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i> НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G‘unchaxon Baxadirovna</i> JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i> XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	68-93
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i> PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaitbobaeva Nigora Bakmatatovna</i> T'UQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIISH B'YIYCHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI.....	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Maxmudov TursunpuLAT Davronovich</i> INVESTITSIYA MANBALARINING MINTAQAGA IKTISODIYETIGA TA'BSIRI	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Muydinova Zilola Voxid qizi</i> CHEGARA BOJXONA POSTLARI FAOLIYATIDA "AVTOMATLASHTIIRILGAN I'ULOVCHI XARAKATI" MOBIL ILOVASINI JORIY ETISH ORQALI IKTISODIY TAHLILNI TAKOMILLASHTIIRISH.....	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Ochilova Guzаль Aralovna</i> YUKSAK MA'NAVIYAT-MANFAATLAR BIRLIGINI TA'MINLASHNING MU'XIM OMILI.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQRUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

<i>Dehqonov Behzod Baxtityorovich</i> YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI	225-230
<i>Abdullayeva Firuza Sharipovna</i> NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI	231-236
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G'OYALAR	237-243
<i>Ибрагимов Солижон Эргашович</i> АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....	244-251
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Qodirova Mukaddas Tog'ayena</i> BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI.....	252-257
<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich</i> DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE	258-265
<i>Hamroyeva Sharifa Shukur qizi</i> TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA)	266-271
<i>Olimova Gulfiza Muradullayevna</i> BADIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI.....	272-281
<i>Айниддинов Иқрориддин Шарифович</i> АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	282-287
<i>Turaeva Dilfuza Damirovna</i> O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	288-295
<i>Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna</i> LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI	296-305
<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli</i> LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	306-311
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIK LARNING KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA	312-317
<i>Шамақсудова Саодат Хидоятовна</i> МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	318-324
<i>Шатова Ирина Юрьевна</i> ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	325-330
<i>Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna</i> FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI	331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365
<i>Mamatallyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАВГАСНА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> ТЕХНИК ОЛИЙ О'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI	385-390
<i>Таджиходжаева Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой қизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406
<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI ТАКОМИЛЛАСHTIRISH	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO

SIFATIDA443-448

07.00.00-Тарих фанлари

Хужаниязов Уктам Ешбаевич,
Нукус давлат педагогика институти
Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: uktam.1981@list.ru
Orcid: 0000-0002-3688-8561

“ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация. Ушбу илмий мақолада мустақиллик йилларида қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан тасвирга олинган тарихий мавзулардаги хужжатли фильмлар ҳақида ва бу борада эришилган ютуқларга тўхталиб ўтилади. Шунингдек мақолада ушбу мавзунинг бугунги кундаги аҳамиятли томонлари ҳақида тўхталиб ўтилади.

Калит сўзлар: мустақиллик, хужжатли кино, урф-одат, тарихий, маънавий, мерос, этнография, маданий ёдгорлик, студия, “Қорақалпоқфильм”, экран, маданият.

Khujaniyazov Uktam Yeshbaevich
Senior Lecturer, Department of Social Sciences,
Nukus State pedagogical Institute
Doctor of philosophy in historical sciences (PhD)

INTERPRETATION OF HISTORICAL THEMES IN DOCUMENTARY FILMS OF THE STUDIO "KARAKALPAKFILM"

Abstract. This scientific article is devoted to historical documentary films made by Karakalpak filmmakers during the years of independence, and the achievements made in this regard. The article also discusses important aspects of this topic today.

Keywords: Independence, documentary film, tradition, historical, spiritual, inheritance, ethnography, cultural monument, studio, "Karakalpakfilm", screen, culture.

Хужаниязов Уктам Ешбаевич
Нукусский государственный педагогический институт
Старший преподаватель кафедры общественных наук
Доктор философии в исторических науках (PhD)

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ИСТОРИЧЕСКОЙ ТЕМАТИКИ В ДОКУМЕНТАЛЬНЫХ ФИЛЬМАХ СТУДИИ «КАРАКАЛПАКФИЛЬМ»

Аннотация. Данная научная статья посвящена документальным фильмам на историческую тематику, снятым каракалпакскими кинематографистами в годы независимости, и достигнутым в этом отношении достижениям. В статье также рассматриваются важные аспекты этой темы на сегодняшний день.

Ключевые слова: независимость, документальный фильм, традиция, исторический, духовный, наследство, этнография, памятник культуры, студия, “Каракалпакфильм”, экран, культура.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N03>

Кириш

Кино санъатининг халқлар ҳаётига кириб келиши маданиятлар тараққиётида янги саҳифа очди. Унинг нақадар чексиз имкониятларга эга эканлиги бу санъатнинг бошқа санъатлар соҳалари ютуқларини ўзида синтез қилган ҳолда мужассам бўлишида намоён бўлади. У ахборот маконини ҳам, мусиқа ва адабиётнинг таъсир кучини ҳам, тасвирий санъат ва театр манзараларини ҳам ўзида жамлаган ҳолда воқе бўлиши ва инсонга ўша санъатлар таъсири ва эҳтиросини тақдим қила олиши билан завқлидир. Шу маънода бу санъат XX аср тарихининг энг муҳим ютуғидир, деб баҳоланса, бунга шубҳа қилмаса бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки кино санъатида ҳужжатли фильмлар ўрни алоҳидадир. Айниқса тарихий мавзудаги ҳужжатли фильмлар энг қизиқарлиси ҳамда оммавийсидир. Чунки тарихга, айниқса ўз юрти тарихига қизиқмайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ киноси ва унинг ривожланиш тарихини умумий таҳлил қилувчи тадқиқотлар жуда кам, шунингдек, мазкур мавзуда илмий тадқиқот иши олиб борилмаган. Мавзуга оид мавжуд адабиётлар ва архив ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатдики мазкур даврда “Қорақалпоқфильм” ўз асарларида собиқ шўролар даврида қўл уриш мумкин бўлмаган, мустабид тузум даврида ёпиқ деб ҳисобланган мавзуларга мурожаат қилди ва булар бўйича қатор фильмлар яратди. Унинг яратган кино маҳсулотларини таҳлил қилиш шунга ишонч ҳосил қилдирдики, у мустақиллик йилларида:

1. Мамлакат ва жаҳон миқёсида глобал аҳамият касб этаётган муаммоларга бағишланган;
2. Миллатнинг ўзига хослигини кўрсатувчи урф-одатлар, анъаналарни тарғиб қилувчи;
3. Халқ тарихида қатағон қилинган, фаолиятларига нотўғри баҳо берилган шахсларга тегишли;
4. Ўлканинг атоқли кишиларига, муассаса ва корхоналарига, халқнинг турмуш тарзи ва касб-корига бағишланган;
5. Муайян тарихий саналар, юбилейлар, тарихий воқеа-ҳодисаларга;
6. Адабиёт, санъат ютуқлари, инсон руҳияти, фазилатларини халққа тарғиб қилувчи каби мавзуларга кўпроқ эътибор қаратилган ва улар тўғрисида қизиқарли ва ибратли кино фильмлар яратган.

Муҳокама.

Ўзбекистон ҳужжатли киносининг мустақиллик давридаги тараққиёти ҳақида фикр юритганда, албатта “Қорақалпоқфильм” киностудиясининг ҳужжатли кино ижодкорлари томонидан қўлга киритган ютуқларини айтиш жоиз.

Маълумки, Қорақалпоғистонда кино санъатининг ташкил қилиниши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Киномотография давлат комитетининг 1970 йил 19 февралдаги 45-сонли қарори асосида Нукусда Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг Қорақалпоғистон филиали очилди. У 1970 йилнинг 1 апрелидан

эътиборан иш бошлаб, кўпгина ютуқларни қўлга киритди, ўлка аҳолисига кўп сонли хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар, киножурналлар тақдим этди, республикада ва халқаро миқёсда ўз маҳсулотларини намойиш қилиб, юксак эътиборга, совринларга сазовор бўлди. Кейинчалик яъни 1990 йили Ўзбекистон хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлари Қорақалпоғистон филиали базасида “Қорақалпоқфильм” киностудияси ташкил этилди. Бу Қорақалпоғистон маданияти тараққиётида катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон ҳукуматининг моддий ва маънавий, техник кўмаги натижасида “Қорақалпоқфильм” киностудияси мустақил ҳолда кино ишлаб чиқариш даражасига етишди, у муносиб кадрлар билан таъминланди, моддий-техник даражаси яхшиланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3176-сонли қарорининг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларнинг жадаллашишига, тартибга солинишига туртки бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Қорақалпоғистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 291-сонли қарорининг қабул қилиниши эса қорақалпоқ миллий кино санъатини янги босқичга олиб чиқди.

Натижалар.

Мустақиллик йиллари қорақалпоқ хужжатли киноси ўзининг янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Мазкур йиллари “Қорақалпоқфильм” студияси хужжатли фильмларининг ғоявий-мавзулар доираси янада бойитилиб ва кенгайтирилди.

“Қорақалпоқфильм” киностудияси жамоаси фильмлари ўлка ҳаётининг ҳақиқий қомусига айланди. Унинг маҳсулотлари халқ дарди, экологияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, турмуш машаққатлари, халқ руҳий ҳолатининг орзу ва интилишларининг бетимсол кўзгусига айланди.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач миллий тарихимизни қайта тиклаш, уни халқимизга айниқса ёшларга холисона етказиш долзарб масалага айланди. Истиқлол шарофати билан тарихимизга янгича муносабат, уни мафкуравий сиқувлардан холи, объектив тасвирлаш сари қадамлар қўйилди. Дарҳақиқат мустақиллик туфайли кўп асрлик тарихимиз, маънавий, маданий меросимиз, азалий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз жиддий ўрганила бошланди. Халқдан, кенг жамоатчиликдан сир тутилган тарихимиз маданиятимиз ва фанимизнинг номаълум саҳифалари очилди. Бундай хайрли ишлар кино соҳасида ҳам амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев – “Агар биз аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосида ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни биринчи навбатда кино санъати орқали амалга оширишимиз керак”. [1; 192-б.] – деб таъкидланганидек тарихий хужжатлар асосида яратилган тарихий мавзудаги миллий кино асарлар нафақат халқимизнинг маданий-маънавий томондан юксалишига, балки миллатимизнинг бой тарихини, гўзал қадриятларини бутун дунёга тараннум этишга катта ҳисса қўшади.

Маълумки, хужжатли фильм сюжети реал воқеликка, факт ва ҳодисаларга асосланади. Шу ўринда шунинг таъкидлаш керакки кино санъатида тарихий мавзудаги хужжатли фильмлар хужжатли фильмлар орасида энг қизиқарлиси ҳамда

оммавийсидир. Чунки тарихга, айниқса ўз юрти тарихига қизиқмайдиган инсоннинг ўзи бўлмаса керак.

Мустақиллик йиллари Қорақалпоқ ҳужжатли киноижодкорлари томонидан тарихий мавзуларда бир қанча ҳужжатли кино асарлари яратилди. Булар қуйидагилардир:

Ўлка тарихий ёдгорликларига ва қадамжоларига бағишланган фильмлар.

Шу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки Қорақалпоғистон Республикасини осмон остидаги музей деб бежиз айтишмайди. Чунки бу ерда бугунги кунда 285 дан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, булардан 131 таси археологик, 25 таси архитектура, 89 таси монументал санъат ёдгорликларидир. [2] Шунинг учун ҳам буюк археологик олим С. Толстов бу заминни “Икки дарё оралиғидаги иккинчи Миср” деб айтиши ўз исботини топади. [3; 8-б.]

Кейинги йилларда қорақалпоқ ҳужжатли киноижодкорлари томонидан бу жанрдаги кўплаб кино асарлар яратилди. Чунончи Қорақалпоғистон ҳудудида жойлашган тарихий-маданий ёдгорликлар, қадимий обидаларга бағишланган “Асрлар гувоҳи” (сцен. М. Низанов, реж. Т. Қалимбетов, 2001), “Мангу осмон остида” (сцен ва реж. М. Тўйчиев, 2002), “Чилпиқ” (сцен. Э. Мамедов, реж. Т. Қалимбетов, 2003), “Олтин мерос” (сцен ва реж. Т. Қалимбетов, 2006) “Миздакхон” (сцен. М. Низанов, реж. Б. Низамаддинов, 2008), “Гулдирсин” (сцен. Б. Баймурзаев, реж. Б. Низамаддинов, 2008), [4; 197-б] “Асрларни ковлаган олим” (сцен. М. Низанов, реж. Л. Ахимбетова, 2009), “Муқаддас зиёратхона” (сцен. Ғ. Шермухаммад, реж. Б. Баймурзаев, 2009), “Жампиқ қалъа” (сцен. Ғ. Хожаниязов, реж. Т. Қалимбетов, 2016) [5; 3-4-б] ва ҳ. Мазкур фильмлар қадимий бой қорақалпоқ маданий мероси ва заминидаги тарихий-маданий ёдгорликларига, ўлка тарихини ўрганаётган археологлар ва уларнинг иш жараёнларига бағишланган. Хусусан, “Асрлар гувоҳи” фильмида ЎзРФА сининг фахрий аъзоси, XX асрнинг 30-йилларида Қорақалпоғистон ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни археологик қазилмалар натижасида ўрганган академик С.П. Толстов фаолияти ёритилиб ва ўлкадаги тарихий маданий ёдгорликлар ҳақида айтилади. Шу характердаги “Асрларни ковлаган олим” фильмида эса “Ўзбекистон Қаҳрамони” археолог Ғ. Хожаниязовга бағишланган ва у томонидан очиб ўрганилган кўплаб эски қалъа ва қўрғонлар ҳақида айтилади. “Мангу осмон остида” фильмда Қорақалпоғистон заминидаги антик ва ўрта асрлар даври қурилган кўҳна қалъалар ҳақида ҳикоя қилинади. (Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Катқалъа, Аёзқалъа, Бургутқалъа ва б.). Шу характердаги мавзулар “Чилпиқ”, “Олтин мерос”, “Миздакхон”, “Гулдирсин”, “Жампиқ қалъа” фильмлари мазмунини ташкил этади.

“Муқаддас зиёратхона” фильмида Қорақалпоғистон ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳ Султон Увайс бобо (Қараний) қадамжоси ҳақида тарихий маълумот берилади.

Тарихий шахслар, давлат арбоблари, мутафаккирлар ва алломалар ҳақидаги фильмлар.

Буюк тарихий шахслар ҳақида фильмлар яратиш кино иждоқорлари зиммасига катта масъулият юклайди. Мустақиллик йилларида кино соҳасида давлатимиз тарихида улкан из қолдирган тарихий шахслар яъни мутафаккирлар ва жаҳон цивилизацияси равнақида катта ҳисса қўшган алломалар, давлат арбоблари ва халқ тақдирида сиёсий аҳамият касб этган шахслар ҳамда маърифатпарварларнинг ҳаққоний

образини яратишга бўлган интилиш юзага келди. Кейинги йилларда “Қорақалпоқфильм” киностудияси томонидан мазкур жанрда “Бердақ” (сцен. А. Жуманиёзов, Т. Қалимбетов, реж. О. Бекбергенова, Д. Абдимуродов, 1997), “Исми магулик инсон” (сцен. А. Султанов, реж. Т. Абдураимов, 1997), “Қиёт қалъалик олим” (сцен ва реж. М. Тўйчиев, 1998), “Зийвар” (сцен. А. Султанов, Т. Қалимбетов, реж. Т. Қалимбетов, 1998), “Ҳаким ота” (сцен. О. Ембергенов, реж. Д. Абдуллаев, 2006), “Олакўз” (сцен ва реж. Д. Абдимуродов, 2007), [4; 197-б] “Халқ учун” (сцен ва реж. Б. Баймурзаев, 2007), “Зийварнинг ширин забони” (сцен. А. Султанов, реж. Т. Қалимбетов, 2014), [5; 3-4-б] каби ҳужжатли фильмлар яратилди. Бу ҳужжатли фильмларда мустабид тузум даврларда уларга кинофильм ишлаш у ёқда турсин номларини айтиш ҳам мумкин бўлмаган тарихий шахслар, давлат арбоблари, мутафаккир ва алломалар, маърифатпарварларнинг ҳаққоний образлари, ҳаёти ва ижодий фаолиятлари тасвирланади. Чунончи “Қиёт қалъалик олим” фильмида ватандошимиз буюк қомусий олим, астроном, Абу Райҳон Беруний ва унинг илмий-маърифий мероси ҳақида айтилса, “Исми мангулик инсон” фильмида миллат фидоийси Қорақалпоғистон Республикасининг мустабид тузум даврида давлат мухториятини олишга жонбозлик қилган, унинг биринчи раҳбари бўлган, кейинчалик қатағон қилинган Оллоёр Дўстназаровнинг ҳаёти ва унинг тарихий хизматлари ҳақида айтилади, “Ҳаким ота” фильмида ўрта аср тасаввуф таълимотининг забардаст вакили, Аҳмад Яссавий шогирди, шоир Сулаймон Боқирғонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида айтилса, “Олакўз” кино асарида халқ қаҳрамони, Хива хонлигига қарши курашиб, қорақалпоқ халқининг мустақил давлатчилигини барпо этишга уринган халқ баҳодирининг ўлмас сиймоси акс этади. “Бердақ”, “Халқ учун” ҳужжатли фильмлари 19 асрда яшаб ўтган қорақалпоқ мумтоз шоири Бердақ Қарғабой ўғлининг ҳаёти ва ижодига бағишланган бўлса, “Зийвар” ва “Зийварнинг ширин забони” фильмлари эса буюк қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёз ижодига бағишланган.[6; 212-б]

Бу фильмлар бевосита истиқлол ва мустақиллик мевасидир. Илгари номлари қора рўйхатга киритилган тарихий шахслар ҳақидаги бундай фильмларнинг вужудга келиши демократик, адолатли жамиятнинг бизга берган афзалликларидир.

Этнографик, халқи урф-одатлари, тарихий анъаналари ва миллий қадриятлари ҳақидаги фильмлар.

Маълумки, ҳар бир миллат дунёдаги бошқа халқлардан ўзининг миллий урф-одатлари, анъаналари, маънавий-руҳий қадриятлари билан фарқланади. Уларни сақлаб қолиш умумжаҳон қадрият ҳисобланган миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишдир.

Мустақиллик йиллари “Қорақалпоқфильм” студияси жамоаси ижодий ҳаракатлари натижасида мазкур мавзулардаги янги-янги намуналари вужудга келди. Буларга: “Мерос” (сцен. А. Султанов, реж. Д. Абдимуродов, 1993), “Бешик” (сцен. А. Султанов, реж. Д. Абдимуродов, 1999), “Ҳаўжар” (сцен ва реж. Д. Абдимуродов, 2004), “Ойтобоқ” (сцен ва реж. Б. Баймурзаев, 2007), “Бет очар (Келин салом)” [4; 197-б] (сцен ва реж. Д. Абдимуродов, 2004), “Нома олишмоқ” (сцен ва реж. Д. Абдимуродов, 2004), “Ўтёқар” (сцен. М. Низонов, реж. Б. Боймурзаев, 2004), “Сирли нақшлар” (сцен. Д. Абдимуродов, реж. Т. Қалимбетов, 2005), “Кўк кўйлак” (сцен ва реж. Л. Ахимбетова, 2006), “Миллий ўйинлар” (сцен. Г. Тажетдинова, реж. А. Абдимуродов, Б. Баймурзаев, 2006), “Миллий урф-одатлар: кеча ва бугун” (сцен. М. Низанов, реж. Т. Қалимбетов, 2011),

“Нақшлар-миллат ойнаси” (сцен. М. Низанов, реж. Б. Баймурзаев, 2012) ва ҳ киради. [7] Бу фильмларда қорақалпоқ халқига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, миллий қадриятлар, тўй маросимлар ва уларнинг ўтказилиш тартиби каби халққа хос бўлган хусусиятлар ҳақида тасвирлар берилади. Масалан, “Мерос” фильмида қорақалпоқ халқининг миллий либослари, тақинчоқ-безаклари ва республика ўлкашунослик музейида сақланаётган “Кўк кўйлак” тарихи ҳақида ҳикоя қилинса, “Ҳаўжар” фильмида қорақалпоқ халқининг қиз узатиш маросимида ўзи туғилиб ўсган уйдан, қишлоғидан чиққан вақтида айтиладиган “Ҳаўжар” кўшиғи ҳақида айтилади. “Сирли нақшлар” фильмида эса Қорақалпоқ миллатининг миллий нақшлари, уларнинг тарихи ҳақида маълумотлар берилади. Мустабид тузум даврида буларни тарғиб қилиш миллатчилик ҳисобланар, фақат мазмунан социалистик урф-одатлар анъаналар, санъат намуналаригина тарғиб қилинишига яроқли деб қабул қилинарди. “Қорақалпоқфильм” кино студияси мустақиллик йилларида халқ менталитетини тарғиб қилишга, шу орқали авлодларда ўзликни англаш, миллий қадриятларга бўлган иззат-ҳурмат ҳиссини тарбиялашга биринчи даражали иш сифатида қараб келмоқда. Буларга юқоридаги фильмлар мисол бўла олади.

Хулоса.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тарихий манбаларга таяниб яратилган бундай ҳужжатли фильмлар халқимиз маънавиятини юксалтириб қўймасдан, балки унинг минг йиллик тарихини ва миллий тарихий гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга катта ҳисса қўшади. Шунингдек бундай фильмлар ёшларни баркамол қилиб тарбиялашда, уларнинг маънавиятини юксалтиришда ва Ватанига, халқига садоқатли қилиб камол топтиришдаги ўрни беқиёсдир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2018. – 508 б.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги жорий архиви. 2017 йил ҳисоботи. – Б. 23
3. Толстов С.П. Древний Хорезм. – Москва. “МГУ”, 1948. – 352 с.
4. Аҳмедов Б. Кино олами. – Тошкент, “Lesson press”, 2021. – 289 б.
5. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. 2001-2017 йиллар яратилган фильмлар ҳисоботи.
6. Караматов Ҳ, Жўраев Н, Қўзиёв Т ва бошқ.: Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). – Тошкент, “Шарқ”, 2001. – 240 б.
7. “Қорақалпоқфильм” киностудияси жорий архиви. 1993-2019 йиллар яратилган фильмлар ҳисоботи.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).